

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Избасаров Ғулом Ибрагимович

Ўртачирчик туман адлия бўлими Инсон хуқуқарини ҳимоя қилиш ва ҳуқукни қўллаш амалиётини ўрганиш бўлинмаси Бўлим бошлиғи в.б.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15099733>

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида” эканлиги ҳамда 64-моддасида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар бокиш ва тарбиялашга мажбурийлиги” мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб 1992 йили «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилди. Миллий қонунчилигимизни конвенция қоидаларига имплементация қилиш асносида 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Айниқса, сўнги йилларда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ ислоҳотлар натижаси ҳалқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда.

Хусусан, Ҳалқаро Меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикасида амалга оширган мониторинг натижасида ҳамда дунё ҳамжамияти вакиллари болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича Ўзбекистонда ижобий ишлар қилинганини эътироф этди. 2019 йилнинг 1 апрелида Брюссель шаҳрида эълон қилинган Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоботида Жаҳон банки Ўзбекистон пахта саноатида болалар ва мажбурий меҳнатдан тизимли фойдаланишга барҳам берилгани эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлаб унда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарганлиги ҳамда мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилганлиги маълум қилинди.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг 22 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 4296-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

(омбудсман) ўринбосари — Бола хукуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди ва Котибият тузилмасида бола хукуқларини таъминлаш фаолиятига кўмаклашувчи янги сектор тузилди.

Бугунги кунда мамлекатимизда вояга етмаганларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда Бола хукуқлари бўйича вакили ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда. Жорий йилнинг 6 ойи давомида Бола хукуқлари бўйича вакил томонидан бола хукуқларини таъминлаш юзасидан Кашқадарё, Тошкент, Андижон, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган муассасаларида 30 дан ортиқ мониторинглар ўтказилди.

Хусусан, Бола хукуқлари бўйича Вакил томонидан республикамиздаги ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, жумладан “Махсус енгил саноат касб-хунар колежи”, “Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси” ҳамда “Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси”ларида мониторинг амалга оширилди.

Мониторинг доирасида ушбу муассасалардаги вояга етмаганлар билан учрашувлар ўтказилди. Учрашув жараёнида муассасаларга жойлаштириш сабаблари, у ердаги шароитлар ва улар билан муомалада бўлиш, тиббий хизмат қўрсатиши, овқатлантириши, меҳнат, тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш самарадорлиги ўрганилди.

Мониторинг натижалари таҳлили ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида вояга етмаганлар хукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигига таъсир қўрсатадиган бир қатор масалаларни аниқлаш имконини берди. Жумладан:

- вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштиришда оиласидаги ижтимоий муҳитнинг ёмонлиги, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг фарзанд тарбиясига беътибор бўлиши сабаб бўлаётганлиги;

Ваҳоланки, БМТнинг вояга етмаганлар орасида жиноятнинг олдини олиш учун бошқарув принципларининг (Ар-Риёд бошқарув принциплари) 12-бандида оила болаларни жамиятдаги ҳаётга тайёрлаш учун масъул бўлган асосий бирлик бўлгани учун, хукumat ва жамоат институтлари оиласининг, бутунлигини сақлашга ҳаракат қилишлари кераклиги, жамият оиласига болаларни парвариш қилиш ва ҳимоя қилиш, уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини яхшилашда ёрдам беришга мажбурлиги, болалар учун кундузги парваришларни ўз ичига олган ҳолда, етарли даражада чоралар кўриш кераклиги таъкидланган.

- вояга етмаган томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилмаган бўлсада, унинг яқин қариндошларининг мурожаатига асосан маҳсус турдаги ўкув муассасасига вояга етгунига қадар жойлаштирилаётганлиги;

Ар-Риёд бошқарув принципларининг 46-бандида вояга етмаганларни таълим ва ахлоқ тузатиш муассасаларига жойлаштириш энг сўнгти чора сифатида ва энг кам зарур муддат давомида, уларнинг энг устун манфаатлари бўйича белгиланиши лозимлиги таъкидланган.

- вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисида материалларни тайёрлаш ҳамда судлар томонидан кўриб чиқилишида баъзи ҳолларда қонунда белгиланган талабларга амал қилинмаганлиги. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Конуннинг 26-моддасида “Ўзига нисбатан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётганда вояга етмаган, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, ички ишлар органининг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт” эканлиги белгиланган бўлсада баъзи ҳолларда суд ишида вояга етмаган ёки масъул идора ходимларининг иштирок этмаганлиги;

Бола ҳуқуқлари бўйича Вакил томонидан олиб борилган мониторинг натижаларини умумлаштириш ҳамда келиб тушган мурожаатларнинг таҳлили вояга етмаганларнинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив ҳуқуқий хужжатларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди:

- меҳр-шафқат ва инсонпарварлик тамоилларига асосланиб содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равища англаб етган вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказидан муддатидан олдин озод этиш талабларини белгилаш;

- вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича Вакил ва унинг жойлардаги минтақавий вакилларини ҳам киритиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти.
3. Адлия вазирлиги “Хуқуқий ахборот” электрон канали.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори